

2-25-2020

PECULIARITIES OF REPETITION AS THE MEANS OF EXPRESSION IN ENGLISH AND UZBEK

Shaxnoza Asqarova Kamolidinovna

Tashkent State University of Oriental Studies, Senior Lecturer, Department of Western European Languages, Doctor of Philology (PhD)

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Kamolidinovna, Shaxnoza Asqarova (2020) "PECULIARITIES OF REPETITION AS THE MEANS OF EXPRESSION IN ENGLISH AND UZBEK," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 4 : Iss. 1 , Article 9.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss1/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

14. Менглиев Б. Ўзбек тили корпуси яратилляптими? 24 апрель, 2018 йил <http://www.xabar.uz/talim/ozbek-tili-korpusi-yaratilyaptimi>

15. Менглиев Б. Ўзбек тилининг миллий корпуси. 26 апрель, 2018 йил <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/fan/1241.htm>

16. Ҳамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари. PhD диссер.автореф. – Қарши, 2018. – 52 б.

17. Ҳамроева Ш. Таълимда корпусдан фойдаланиш “Тил ва адабиёт таълими” журнали. 2017 йил сентябрь, № 9. 49-50-б.

УДК:811.111’362811.512.133’362

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТАКРОР ИФОДА УСУЛИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ ПОВТОРА КАК СРЕДСТВА ВЫРАЖЕНИЯ В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

PECULIARITIES OF REPETITION AS THE MEANS OF EXPRESSION IN ENGLISH AND UZBEK

Асқарова Шахноза Камолидиновна
ТДШИ Фарбий Европа тиллари
каф. кат. ўқит., фил.ф.ф.д.,(PhD)

Аннотация. Мақола инглиз ва ўзбек тилларида такрор ифода усулининг хусусиятлари таҳлилига бағишланган. Такрор ҳар икки тилга оид манбалардан олинган маълумотлар ҳамда тадқиқотчиларнинг фикрлари асосида таҳлил қилинган. Мақола сўнгида фикрлар умумлаштирилиб, хулоса ясалади.

Таянч сўзлар: такрор, восита, таҳлил, тил, халқ, вакил, гап, сўз, маданият, эмоционаллик.

Аннотация. Статья посвящена исследованию особенности повтора как средства выражения в английском и узбекском языках. Повтор analyzed on the basis of the sources pertaining to each of two languages as well as the researchers' ideas. At the end of the article thoughts of linguists on the given issue is generalized.

Ключевое слова: повтор, средства, исследование, язык, народ, представитель, предложения, слова, культура, эмоциональность.

Annotation. The article is devoted to the analysis of the peculiarities of repetition as the means of expression in English and Uzbek. Repetition is analyzed on the basis of the sources pertaining to each of two languages as well as the researchers' ideas. At the end of the article thoughts of linguists on the given issue is generalized.

Key words: repetition, means, analyze, language, people, representative, sentence, word, culture, emotionality.

Кириш. Интенсивлик ҳодисаси борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати, ҳолати билан бевосита боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Тилшуносликда интенсивлик ва эмоционалликни ифодалаш учун бир неча ифода воситалари қўлланади. Такрор маънони кучайтириш, интенсивлик ва эмоционаллик учун хизмат қилади. Бу борада кўплаб тилшунос олимлар изланишлар олиб борганлар. Жумладан, А. Шомақсудов, С. Глазырина, Ш. Балли, Ю. Казакова, Е. Давыдова, И. Туранский каби олимлар такрорни ўзбек, инглиз, рус ва француз тилларида таҳлил этиб, унинг таърифи, турларига алоҳида аҳамият қаратганлар. Шундай бўлса-да, ифода воситаси сифатида такрор тилдаги вазифаси ва турлари юзасидан етарлича тадқиқ этилмаган. Бу жиҳатлар мазкур мавзуда чуқур илмий

изланишлар олиб боришни талаб этиши билан долзарбдир. Шундай изланишлар олиб боришдан кўзланган мақсад – инглиз ва ўзбек тилларида такрорни илмий таҳлиллар асосида ўрганиб, солиштириб, ўхшаш ва фарқли томонларни аниқлагач, келиб чиққан илмий хулосаларни ҳар икки тилга татбиқ этиш.

Асосий қисм. Француз олимларидан Ш.Балли такрорнинг юзага келишини эмоционал импульслар билан изоҳлайди. “Қанча импульс бўлса, шунча такрор бўлади[1, 75-76], - деб ёзади у ўзининг стилистикага бағишланган асарига.

Ўзбек тилида такрор ифода воситаси эканлиги хусусида А. Шомақсудов ўзбек тили стилистикасига бағишланган китобида қуйидаги фикрларни олға суради ва мисоллар орқали изоҳлайди. Сўзловчи ўз сезгиларига иборанинг мос эмаслигини англаб, сифатни миқдор билан тўлдиришга ҳаракат қилади. Бу эса такрорни юзага келтиради. Такрор эмоционал нутқни характерлайди.

Такрорнинг ҳам ўзига хос турлари бўлиб, улар бадий матнда сўз такрори, сўз бирикмаси такрори, гап такрори тарзида учрайди. Масалан:

... *this nation, under God, shall have a new birth of freedom — and that government of **the people, by the people, for the people, shall not perish from the earth.*** ([Abraham Lincoln](#) in the *Gettysburg Address*)

Совуқ, совуқ, совуқ, қоронғу..., - ер қаъридан келаётган товуш уларни хайратга солиб, эсанкиратиб қўйди. (Ҳ. Орифий)

Юқорида берилган инглиз ва ўзбек тилларидаги мисолларда сўз такрори қўлланилган бўлиб, кучли хиссий ҳолат ифодаланган.

They bowed down to him rather, because he was all of these things, and then again he was all of these things because the town bowed down. - *Their Eyes Were Watching God* (*Zora Neale Hurston*).

Менинг кийимларим қани, менинг кийимларим? Худо уриб, яна Турсун кийиб юрмасин! (Ў. Умарбеков)

Мазкур мисолларда эса кўриниб турганидек, сўз бирикмаси такрори қўлланган.

Because I do not hope to turn again Because I do not hope (T. S. Eliot's "Ash-Wednesday").

Чарчаб кетдингиз-а, дадаси, чарчаб кетдингиз! (Ў. Умарбеков)

Ушбу мисолларда эса гап такрорланган. Ҳар бир халқ ўз маданияти ва менталитетидан келиб чиққан ҳолда тил бирликларидан фойдаланади. Юқоридаги мисоллардан ҳам ушбу фикрларни англаш мушкул эмас. Такрор маънони кучайтириш, интензивлик ва эмоционаллик учун хизмат қилади. Сўзловчи ўз сезгиларига иборанинг мос эмаслигини англаб, сифатни миқдор билан тўлдиришга ҳаракат қилади. Бу такрорни юзага келтиради. Такрор эмоционал нутқни ифодалайди [2, 45].

Шунга алоҳида аҳамият қаратиш лозимки, инглиз тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида такрор воситаси билан такрорий сўзлар фарқланган. Ўзбек тилшуносларидан А. Хожиев ўзининг “Ҳозирги замон ўзбек тили” номли қўлланмасида жуфт, такрорий, қўшма сўзларга таъриф берар экан, такрор сўзлар хусусида ҳам тўхталиб ўтган. Такрорий сўзнинг такрор ҳолда қўлланиши натижасида шу сўзнинг лексик маъносидан бошқа маънолар ифодаланади.

*Қуюқ япроқлар орасидан **шода-шода** осилиб, мўралаб турган олчалар яшил гиламга **нуқта-нуқта** қизил гулчалар тикиб қўйганга ўхшаб товланади.*

Қуёш танга тўкмаган,

Гилам ёйиглик суна,

Шамол бу ерда мастди,

*Гулларни **қуча-қуча.*** (Ойбек)

Келтирилган мисоллардаги *шода-шода, нуқта-нуқта* сўзлари кўплик маъносини, *қуча-қуча* сўзи ҳаракатнинг такрорийлигини билдиради. Айни бир сўз такрор ҳолда (ёнма-ён) қўлланиши билан унинг ўз лексик маъносидан бошқа маъно ифодаланмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда такрорий сўз ҳосил бўлмайди, балки у бир сўзнинг такрори ҳисобланади.

Юқорида келтирилган мисоллар (*шода-шода, нуқта-нуқта, қуча-қуча*) такрор эмас, такрорий сўз ҳисобланади. Такрор ифода воситасига мисол келтирсак:

Ух, **бадбахт, бадбахт**, - деб анчагача бош чайқади. (П. Турсун)

Қўрқма, қўрқма! – деб такрорлади Арслон ака. (Ё. Шукуров)

Такрор билан такрорий сўз орасидаги фарқ куйидаги мисолларни қиёслаганда янада очиқ кўринади:

*Қайтинглар, **войдод, войдод!***

*Бир оздан сўнг **дод-дод** бошланди. (сўзлашув)*

Демак, такрорий сўз деганда бир сўзнинг такрор ҳолда қўлланиши билан шу сўзнинг лексик маъносидан ташқари маълум грамматик маънолар (кўплик, давомийлик каби) ифодаловчи, лексик ва грамматик жиҳатдан бир бутунликни ташкил қилувчи сўзлар тушунилади.

Такрор билан такрорий сўз ўртасидаги фарқ яна шунда ҳам кўринадики, биринчидан, такрор сўзлар орасидаги пауза такрорий сўзлардагига нисбатан узунроқ бўлади. Иккинчидан, такрор воситаси икки ёки ундан кўп бор такрорланиб келиши мумкин. Такрорий сўзлар эса икки компонентли бўлади. Учинчидан, пунктуацион жиҳатдан (ёзма нутқда) такрор сўзлар орасига вергул, такрорий сўзлар орасига эса чизиқча қўйилади. Масалан:

*..., иш миннатдор бўлса, сиздан бўларди. Қачон қарамай, **иш, иш, иш!** (С. Зуннунова).*

*Муздай, **қумоқ-қумоқ** ширин тарвузлар чанқоқлар учун ором бағишлади. (Ойбек)*

Агар айни бир сўз ёнма-ён қўлланиб, уларнинг ҳар бири турли грамматик формага эга бўлса, бундай сўзлар такрор ҳисобланмайди. Масалан:

- *Ўша ошнангиз келтирган қуённинг **шўрвасининг шўрвасининг шўрваси!** – деди Афанди. (“Афанди латифалари”)*

Демак, сўзловчига ўз нутқини таъсирчан қилиб ифодалаш учун сўз ёки иборадан, ё бўлмаса гапдан бир маротаба фойдаланишнинг ўзи кифоя қилмайди. А. Шомаксудов ва А. Хожиёвнинг фикрларига қўшилган ҳолда таъкидлаш мумкинки, сўз, сўз бирикмаси, гапни икки ёки ундан кўп бор қайтариш нутқнинг таъсирчанлигини оширади. Бу эса такрор воситасидан фойдаланишга ундайди. Шундай қилиб, такрор сўзлар орасидаги пауза узун бўлади, улар гап таркибида икки ёки кўп маротаба қўллана олади, бир гап таркибида келган бундай сўзлар морфологик жиҳатдан бир хил бўлади.

Тадқиқотимиз натижасига кўра такрорнинг куйидаги турлари мавжудлиги аниқланди.

1. Такрор айнан бўлиб, ёнма-ён келади. Такрорнинг бу кўриниши куйидаги шаклга эга:

а) гап такрори: *Боглар, бу бўстонлар, Ватан ва давлат, **бариси сизники, бари сизники.** (Ғ. Ғулом) **Ҳаммаси бўлади, ҳаммаси бўлади!** – деди у ўзича, – боглар ҳам, гуллар ҳам тўю-томошалар ҳам (Ж. Абдуллахонов).*

***Тўхтанлар, тўхтанлар, ўртоқлар,** – ўз фикрини исботламоқчи бўлди у (Ж. Абдуллахонов).*

Вакил қиламиз! Вакил қиламиз! – қизлар қувончларини ошкор билдириб чуғурлашди (Ҳ. Ғулом).

Такрорнинг бу кўриниши кўпроқ шахси аниқ бир бош бўлакли гаплардан иборат бўлади;

б) гап бўлаклари такрори: *Икромжон **йиглади, йиглади,** йигидан кўз ёшлари қуриди (С. Аҳмад).*

*Кўзларидан ёш **думалайверди, думалайверди** (С. Аҳмад).*

*Қаранг, **бир неча кун ичида, ҳа, бир неча кун ичида,** шундай воқеалар рўй бердики, улар умумбашарий аҳамиятга эга бўлган муваффақиятлардан дарак беради (В. З.);*

в) ёрдамчи сўзлар такрори: *Низомжон акасининг гапларини чин юракдан эшитиб ўтирарди. Тўғри қолиб шу ерда ишлаши **керак.** Рўзгорни ўзи қўлга олиши **керак. Бироқ, бироқ** Дилдор яшаётган уйда туришини у ўзини ўзи ҳақоратлаш деб биларди (С. А.). Икромжон турган жойида бир қалқиб кетди. Бу бола нималар деяпти? **Наҳотки, наҳотки** боласи яна нобуд бўлган бўлса? (С. А.);*

2. Такрор айнан бўлади. Лекин кейинги бўлак бошқа бўлаklar билан кенгайиб келади. Бу маънони янада кучайтиради, янада таъкидлайди. Бундай такрорлар ҳам гап такрори, гап бўлаги такрори, ёрдамчи сўз такрори шаклида бўлиши мумкин.

а) гап такрори: **Жуда ўзгариб кетибди**, - ўйларди Абдулла уйга қайтар экан. - **Жуда ўзгариб кетибди**. Наҳотки икки йил ичида шундай ўзгариш мумкин бўлса?(Ў. У.);

б) гап бўлаги такрори: **Беғубор, жуда ҳам беғубор шабада эсди**. (С.А.) **Сувни, тўлиб-тўлиб оққан сувни** кўрсам кўзим қувонади, тўлқинида қулоч отсам кўнглим яйрайди (Й. Ш);

в) модал сўз такрори: **Афсус, минг афсуски**, насиҳатимга қулоқ солмадингиз, насиҳатимга юрмадингиз(Ҳ. Ғ.).

3. Такрор айнан бўлади. Лекин улар орасида бошқа бўлақлар келади:

- **Хўп ука, хўп**. Эрталаб жўнаймиз, - деди шошилиб Дўсмат(П. Т.).

- **Секин, яхши қиз, секин**, - деди шарфли йигит ҳамон кулиб(Ў. Ҳ.).

- **Тур, дейман, тур!**(П. Т.).

- **Кираверинг**, Умматали, **кираверинг** (С. А.).

- **Тўхтанг**, хў қори, **тўхтанг**. Бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдириш нимаси?(П.Т.).

4. Такрорнинг иккинчи компоненти қисқарган шаклда бўлади:

- **Нега алдадингиз, нега?**(Ў. Ҳ.).

Гунафшалар очилди,

Чаккангга тақ, чаккангга.

Атир ҳиди сочилди,

Чаккангга тақ, чаккангга (З. Д.).

Инглиз тили лингвистик адабиётида такрорнинг хусусиятига кўра кўплаб турлари ҳамда ифода воситаси сифатидаги вазибаларини кўриш мумкин. И. Мусаев инглиз тили стилистикаси ҳақида маълумот берувчи “Stylistics” номли кўлланмасида такрорга стилистик воситалардан бири сифатида ёндашган. Шундан келиб чиқиб, уни қуйидаги турларга бўлиб ўргандик:

1. **А н а ф о р а** (anaphora) – такрорланувчи сўз ва жумлалар ҳар бир гап, бўлақ ёки жумланинг бошида келади.

“*I want her to live. I want her to breathe. I want her to aerobicize*”. (Weird science, 1985)

2. **Э п и ф о р а** (epiphora) – такрорланувчи бўлақ кетма-кет келадиган гаплар, бўлақлар ва жумлалар охирида келади.

“*She is safe, just like I promised. She is all set to marry Norrington just like she promised. And you get to die for her just like you promised.*” (Jack Sparrow)

3. **А н а д и п л о с и с** (тўпловчи) такрор (anadiplosis or catch repetition) – бир гапнинг охирида келган жумланинг иккинчи гапнинг бошида келишидир.

“*My conscience hath a thousand several tongues, and every tongue brings in the several tales, and every tale condemns me for a villain.*” (William Shakespeare)

4. **Ҳ а л қ а** такрор (framing or ring repetition) – бир хил жумланинг маълум бир гапнинг боши ва охирида ифодаланиши.

“*Poor doll’s dressmaker! How often so dragged down by hands that should have raised her up; how often so misdirected when losing her way on the eternal road and asking guidance! Poor, little doll’s dressmaker!*” (Dickens)

Такрорнинг бу тури кўпроқ назм ҳамда насрда матндаги бирор бандни ўта таъсирчан қилиб кўрсатиш учун қўлланади.

5. **З а н ж и р** такрор (chain repetition) – ифодадаги бир бўлақнинг сўнгги сўзи ёки жумласи кейинги бўлақнинг бошида такрорланади ва ҳар икки бўлақни бир-бирига боғлайди.

“*But two minutes later the sun vanished behind flying cloudy contents, a relative darkness descended on the summer afternoon, and rain too descended – descended in such soaking overwhelming quantities that...*” (I. Murdoch)

6. **Ў з а к** такрор (root repetition or polyptoton) – бунда бир сўз эмас балки, бир ўзакдан олинган сўзларнинг турли қўшимчаларни олган ҳолдаги такрори назарда тутилади.

“*I hear the voices, and I read the front page, and I know the speculation. But I’m the decider, and I decide what is best.*” (George Bush)

7. **С и н о н и м** такрор (synonym repetition) – бу турдаги такрорнинг табиати бир тушунчани бир неча синонимлар воситасида такрорланиб келиши билан белгиланади.

“A horrible despair and at the time a sense of *release, liberation* came over Harmon; she fondly seized the yelling, wet child and *hugged* it and *soothed* it and *comforted* it in her encircling beautiful arms.” (A. Bennett)

8. **Т а в т о л о г и я** (pleonasm and tautology) – такрорнинг бу тури синоним такрорга якин туради, одатда у гап бўлакларининг такроридан ташкил топган бўлиб, от ёки олмош воситасида ифодаланади.

“And *the books – they* stood on the shelf”

“It was a clear starry night and *not a cloud to be seen*”.

Айрим ҳолларда такрорнинг тавтология тури услубдаги хатолик ҳисобланади. Лекин нотиклик санъатида у жамоат эътиборини сақлаб туриш учун хизмат қилади. Такрорнинг етакчи вазифаларидан бири ифодани кучайтириш, ҳикояга урғу беришдир. Шеърийда такрор ритмик вазифани бажаради.

А. Шомақсудов В. Мусаевдан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида анафора ва эпифорани такрорнинг таркибига киритмай (такрорнинг турлари сифатида ўрганмай), балки синтактик фигураларнинг турлари сифатида таҳлил қилган. Улар жумласига анафора, эпифора, композицион боғланиш, такрор, синтактик параллелизм, антитеза, градация, риторик сўрокни киритиш мумкин. Аммо А. Шомақсудов синтактик фигуралар сафига қўшган анафора ҳам В. Мусаев таҳлилидаги (такрорнинг тури) анафора кабилар. Бунда бир неча гаплар, сатрлар, абзацлар бир хил сўз ёки бирикмалар билан бошланади. Бу параллелизмни ҳосил қилиб, тингловчининг диққати такрорланувчи бирликларга тортилади. Анафоралар гап, шеърий сатр ва абзацларни ўзаро муносабатга киришиш усули бўлиб хизмат қилади.

Аммо *шу муҳит, шу қайноқ ҳаётда, шу гўзал инсонлар орасида, афсуски, Каримлар ҳам бор!*... (Ҳ. Ғ.)

Эпифора – анафоранинг тескараси. Бу усул билан такрорланган жумлаларнинг маъноси кучайтирилади. Анафора оғзаки ва ёзма нутқда бирдек қўлланса, эпифора асосан ёзма нутқ учун хосдир.

Жувоннинг бутун берган дашноми ҳам бир бўлди-ю, ҳозир бодринг узатгани ҳам бир бўлди (А. Қ.).

Демак, ҳар икки халқнинг миллий-маданий ўзига хослигидан келиб чиқиб, такрор ҳам бу тилларда турлича тадқиқ этилган. В. Мусаевнинг таҳлилларига қўшилган ҳолда таъкидлаш мумкинки, анафора, эпифора каби синтактик воситаларни такрорнинг турлари сифатида талқин қилиш мумкин. Чунки уларнинг ҳар иккисидан ҳам гарчанд биринчисидан гап ва сатр бошида, иккинчисидан эса гап ва сатр охирида келса-да, айнан бир сўз, сўз бирикмасининг такрорланиши кузатилади. Бу эса уларни такрор ифода воситасининг турлари қаторига қўшиш мумкинлигидан далолатдир. Такрорнинг стилистик вазифалари турли ва кўп қирралидир.

Гапнинг энг муҳим бўлагига урғу бериш, сўзловчининг ҳиссий ҳолатини тасвирлаш, унинг таърифланаётган объектга нисбатан эмоционал-экспрессив муносабатини кўрсатиш ҳамда жараён давомийлигини ифодалашда муҳим услубий аҳамиятга эга. Бошқа услубий воситалар каби такрор ҳам кўп вазифалидир. Ҳар бир такрор гапнинг ритмик аспекти кучайтиради, нутқни оҳангдор, таъсирчан ва жозибатор қилиш, шу йўл билан тингловчи томонидан осонлик билан қабул қилинишида муҳим стилистик воситадир. Шунинг учун ҳам бундай воситаларни маълум маънода нутқ мусиқаси деб аташ мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Балли Ш. *Стилистика французского языка*. – М.: Наука, 1979. – 245 с.
2. Зияев А. *Инглиз тилида сўз маъноларини кучайтиришнинг лингвокогнитив аспекти*. Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Т., 2009. – 178 б.
3. Musaev I. *Stylistics*. – Т.: Ukituvchi, 2008. – 198 p.
4. Шомақсудов А. ва б. *Ўзбек тили стилистикаси*. – Т.: Ўзбекистон, 1983. – 229 б.

УДК: 81.4

УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИККА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК
ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МАТЕРИАЛИ МИСОЛИДА)

ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ
(НА ПРИМЕРЕ МАТЕРИАЛОВ АНГЛИЙСКОГО, РУССКОГО
И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ)

LEXICOGRAPHIC ANALYSIS OF GENERAL LINGUISTIC TERMS (ON THE BASIS
OF MATERIALS OF ENGLISH, RUSSIAN AND UZBEK LANGUAGES)

Ходжаева Дилафрўз Изатиллоевна

БухДУ табиий йўналишларда чет тили каф. муд., (PhD)

Аннотация. Мақолада инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги соф тилшуносликка оид терминларнинг уч тил луғатларида берилган изоҳлари лексикографик нуқтаи назардан таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: термин, терминология, лексикография, умумлингвистик тушунчалар, филология, прагматика.

Аннотация. В статье прилагается лексикографический анализ лингвистических терминов и их дефиниций в словарях английского, русского и узбекского языков.

Ключевые слова: термин, терминология, лексикография, общелингвистические понятия, филология, прагматика.

Annotation. The given article gives the lexicographic analysis of linguistic terms and their definitions taken from trilingual dictionaries of English, Russian and Uzbek languages.

Key words: term, terminology, lexicography, general linguistic notions, philology, pragmatics.

Кириш. Замонавий тилшуносликда терминологиянинг ўрни, умумий ва хусусий терминология муаммолари, шунингдек, тилшунослик терминларини тартибга солиш жараёни билан боғлиқ тадқиқотлар бир тил доирасида муайян даражада амалга оширилаётган бўлса-да, тилшунослик терминларининг лексикографик талқини бир неча тил изоҳли луғатларини чоғиштириш кесимида ўрганилмаган. Айни пайтда турли тизимга мансуб тилшунослик терминларини саралаш, унификациялаш, таснифлаш, кодификациялаш, изоҳлаш, уларнинг функционал, лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Лингвистик терминология махсус тушунчаларни ифодалаш, илмий соҳанинг типик объектларини номлаш мақсадида қўлланадиган сўз ва сўз бирикмалари функциялари мажмуини ўрганадиган фандир (“Термин – функция” эканлигини унутмайлик). У тилшуносликнинг таркибий қисми бўлиб, 1) соф термин ва 2) таркибли терминларнинг ҳосил бўлишига олиб келувчи сўз ва муқобилли ўзига хос бирикмаларни ўз ичига олади.

Умумтилшунослик тушунчалар тизими ва категорияси сифатидаги лингвистик терминология тушунчасини лингвистик метатилнинг бошқа таркибий қисми – номенклатурадан фарқлаш зарур. Номенклатура муайян тил объектларини белгилаш мақсадида қўлланадиган махсус номлар тизимидир. Масалан, *агглютинация, флексия, фонема, грамматика* – умумлингвистик тушунчаларни ифодалаш ва мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган терминлар бўлса, араб тилидаги *айн* – бу номенклатур белги, хусусий объект номи бўлиб, уларнинг миқдори сезиларли даражада кўпдир.

Бироқ номенклатур бирлик ва термин орасидаги чегара ўзгарувчан бўлади. Ўхшаш ҳодисалар бошқа тилларда мавжуд бўлган тақдирда ёки дастлабки тор маънодаги номларда кўпроқ универсал мазмун ифодаланган тақдирда, ҳар қандай номенклатур бирлик ўзининг ифода доирасида қанчалик қатъий бўлмасин, умумий хусусиятга эга бўлиб, мувофиқ илмий